

18



ҚАРОР

Yil " 8 " апрель

№ 97-Қ

Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Вилоят ҳоқими Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23, 57-моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туманлар ҳоқимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги:

- Ургут туман ҳоқимининг «Тумандаги «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги худудидан «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчасини қуриш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида»ги 2002 йил 28 июндаги 498-Қ, рақамли, «Вилоят магистрал электр тармоқлари корхонасига 220 кв юқори кучланишли Бобур (Жиззах)–Самарқанд электр тармоғи қурилиши учун вақтинчалик ва доимий фойдаланишга ер майдонини ажратиш тўғрисида»ги 2002 йил 22 июндаги 481-Қ, рақамли, «Янгиариқ» ширкат хўжалиги худудидан «Амин ота У.Т» хусусий фирмасига автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида»ги 2002 йил 6 сентябрдаги 663-Қ, рақамли, «Акрамобод» ширкат хўжалиги худудидан фўқаро Хайдарова Ойдинойга гилам тўқиш корхонаси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида»ги 2002 йил 7 декабрдаги 884-Қ, рақамли;


- Самарқанд туман ҳоқимининг «Хамрокул бобо» шахсий савдо ишлаб чиқариш фирмасига автомобилларга суюлтирилган газ ёнилғиси қуйиш шахобчасини қуриш учун 0,12 гектар ер ажратиш тўғрисида»ги 2002 йил 9 августдаги 375-Қ, рақамли, «Фариза» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига умумий овқатланиш савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриш учун 0,2 гектар ер ажратиш тўғрисида»ги 2002 йил 4 мартдаги 85-Қ, рақамли;

- Тайлоқ туман хокимининг «Vлугбек» номли ширкат хўжалиги худудидан «Сиёб-Б» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехини кенгайтириш учун кўшимча ер майдони ажратиш ҳақида»ги 2002 йил 6 июлдаги 556-Қ, рақамли;

- Нарпай туман хокимининг «Мирбозор шаҳарча фуқаролар йиғинига якка тартибда уй-жой қуриш учун 4,0 гектар ер танлаш ва ажратиш ҳақида»ги 2002 йил 11 декабрдаги 869-Қ, рақамли қабул қилинган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят Ер ресурслари бошқармаси (Н. Бакиров) га хўжаликнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Ўсаровга юклансин.

Вилоят хокими  Ш. Мирзиёев.

